

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН
МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Технология факультети

Ижтимоий фанлар кафедраси

«Фалсафа» фанидан

Мавзу: Абу Ҳомид ибн Муҳаммад Ғаззолийнинг “Таҳофут ал-фалосифа” (“Файласуфлар ихтилофлари”) асарида файласуфлар таҳлили ва таснифи

Реферат

Бажарди:

5-КТИ-11 гуруҳ талабаси
М. Пўлатова

Қабул қилди:

доц. А.Ҳакимов

Наманган-2014 йил.

**Абу Ҳомид ибн Муҳаммад Ғаззолийнинг “Таҳофут ал-
фалосифа” (“Файласуфлар ихтилофлари”) асарида
файласуфлар таҳлили ва таснифи**

Режа:

1. Абу Муҳаммад Имом Ғаззолийнинг ижодий фаолияти ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Абу Ҳомид ибн Муҳаммад Ғаззолийнинг тасаввуф ва сўфийлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари.
3. Абу Ҳомид ибн Муҳаммад Ғаззолийнинг “Таҳофут ал-фалосуфа” (“Файласуфлар ихтилофлари”) асаридаги фалсафий баҳс-мунозараларнинг таҳлили.
4. Хулоса

Абу Хомид ибн Муҳаммад Ғаззолий Хуросоннинг Тус шаҳрида милодий 1059 йили таваллуд топди. Болалик ва ўсмирлик йилларини ўз туғилган шаҳрида ўтказиб даслабки илмни ҳам шу ерда эгаллади, кейинчалик илмини давом эттириш мақсадида Нишопурга кетди. 1085 йили Ғаззолий Салжуклар давлатининг бош вазири бўлган Низомулмулк хизматида эди. Шу вақтда у фалсафа билан жиддий шуғуллана бошлади. Бунга қадар у ислом асослари ва илоҳиёти, тафсир ва калом илмларини, шунингдек исмоилия таълимотини чуқур эгаллаган эди. 1091 йилда Низомулмулк ўзи томонидан Бағдодда ташкил этилган Низомий мадрасасига Ғаззолийни мударрис сифатида таклиф этди. Ўша замоннинг энг йхши ўқув юрти бўлган бу даргоҳда Ғаззолий 4 йил дарс берди, сўнгра мадрасани ўз акаси Аҳмадга топшириб, ўзи бор давлатию обрўйини ташлаб тасаввуфий ҳаёт кечира бошлади. Илм олиш истагида Имом Ғаззолий узоқ сафарга отланиб, Макка, Дамашқ, Баятул Муқаддас, Искандарий ва бошқа шаҳарларда бўлиб, у ердаги машҳур олимлар билан учрашади ва кутубхоналардаги китобларни ўқиб чиқади. Бу йиллар унинг ҳаётида оғир йиллар бўлганини ёзади: «Мен ҳамма нарсани: иккиланишларни, шак-шубҳаларни, инкор этишларни, эътиқодсизликни ўз бошимдан ўтказдим; ҳақиқатни тасаввуфда топдим».

Унинг олдида кўндаланг турган асосий муаммо – фан билан дин ўртасидаги қарама-қаршиликни бартараф этиш эди. Ғаззолий фикрича, бу нарса тасаввуф асосида бартараф этилиши мумкин эди. У ўз ватани Тусга қаятиб, бу масалага бағишланган қатор асарлар яратди. Ғаззолий 1111 йилнинг 19 декабрида Тус яқинидаги Табарон қишлоғида вафот этди.

Ғаззолий фалсафа, ахлоқ, дин ва тасаввуфга доир бир қанча асарларнинг муаллифидирки, улардан энг муҳимлари қўйидагилардан иборат: “Иҳёи улум ад-дин” (“Диний илмларнинг жонланиши”), “Таҳофут ул-фалосифа” (“Файласуфларни рад этиш”), “Кимёи саодат” (“Бахт-саодат ёки ҳикмат калити”), “Ал-Мункиз минал залол” (“Адашишлардан сақловчи”).

Ғаззолийнинг энг йирик асари унинг бир неча жилдлик “Иҳёи улум ад-дин” бўлиб, унинг арабча асл нусхаси билан бир қаторда тушунишга

осонроқ бўлиши учун форс тилида “Кимёи саодат” деб аталувчи қисқача вариантыни ҳам ёзган. Абу Ҳомид Ғаззолий фикрича, расмий диний эътиқод мўминнинг ташқи томондан ўз бурчини бажаришинигина талаб қилиб, унда ҳис-туйғуга ўрин қолдирмайди.

Иккинчи томондан, тасаввуф, унинг фикрича, агарчи ҳис-туйғуга катта ўрин ажратган бўлса ҳам, ўз таълимотида ҳамма вақт ҳам меъёрни сақламасдан баъзида исломнинг умумий талабларидан чиқиш даражасигача боради.

Диний билимларни жонлаштиришни қуйидагича амалга ошириш мумкинлигини таъкидлайди: қотиб қолган расмийчилик ўрнига эътиқодга тасаввуфдан иқтибос қилинган бир қатор илоҳий унсурларни, масалан, жўшқин ҳис-туйғу, меҳр-муҳаббатни киритиш лозим. Бундай тажриба тўла ғалаба қозонди, чунки Имом Ғаззолийдан кейин илгариги анъанавий ақида тарафдорлари жуда ҳам кам қолди. Иккинчи томондан, Ғаззолий тасаввуфнинг барча қоидаларини текширувдан ўтказиб, унинг қайси томонлари суннага мувофиқ келади, қайсиниси тўғри келмаслигини аниқлаб, муътадил тасаввуф тизимини яратди.

Мусулмон илоҳиёти тарихига Имом Ғаззолий исломнинг назарий ақидаларига тасаффуфий руҳ берувчи, илоҳиёт фалсафаси бўлган каломни асосий тизимга солувчи сифатида кирди. Бундай хизмати учун руҳонийлар уни “Улуғ имом”, “Ҳужжат ул-ислом” (“Ислом динини ҳимоячиси”) лақаблари билан шарафладилар.

Ғаззолий фалсафа ва диний таълимотларининг барча вакиллари тўрт тоифага бўлди: 1) мутакаллимлар; 2) ботинийлар; 3) файласуфлар; 4) суфийлар.

Имом Муҳаммад Ғаззолий сингари донишманд кишилар илми калом билан тасаввуфни, шариат билан тариқатни қўшиш лозимлигини аятганлар. Имом Ғаззолий назарида олий даражадаги мустаҳкам иймон сўфий иймонидир, шунинг учун фано йўлидаги беинтиҳо ишқни исломнинг зарурий рукнларидан ҳисобламоқ керак. Имом Ғаззолий ўзининг “Иҳёе ал улум ад

дин” (“Диний илмларнинг қаята тирилиши”) ва “Кимёи саодат” (“Саодат кимёси”) номли китобларида тасаввуфни ислом илмларининг таркибий қисми сифатида чуқур ўрганган, тариқатни одамнинг ахлоқини покловчи ва ҳалок этувчи ҳислатлардан қутқарувчи йўл деб кўрсатади.

Имом Ғаззолийнинг худди шу иши Ибн Жавзийга ёқмаган. Унинг ёзишича, Имом Ғаззолий “Ихъё улум ад дин”да ботил (нотўғри деб топилган ҳадислар) ёрдамида тасаввуфни оқламоқчи бўлади, “ҳолбуки ўзи ўша ҳадисларнинг ботиллигини билмайди”. Имом Ғаззолий сўфиёна қароматларни бор нарса, ҳақиқат деб айтади, дунё Парвардигор пардасидир, шунингдек, шариат ҳам зоҳирий нарса, сўфийлар, фаришталар, руҳлар, анбиёларни кўрадилар ва улардан куйлар эшитадилар ва бунинг фойдаси катта деб ёзади. Бу ахир Исломни бузиш-ку, деб хитоб қилади Ибн Жавзий. “Талбиси иблис” китобининг муаллифи Имом Ғаззолийни ислоҳотчилик (реформаторликда) айблаган. Ваҳоланки, ислом тарихида ислом илмининг ривожини учун Имом Муҳаммад Ғаззолийчалик хизмати сингган одамлар камчиликни ташкил этади. Имом Ғаззолий Исломни назарий жиҳатдан бойитди, унги янги давр талабига мос равишда ривожлантирди, мустаҳкамлади. Исломни дунёга машҳур этди. Мана бу ривоят ҳам Имом Ғаззолийнинг буюклигига ишорадир.

Абдурахмон Жомий “Нафаҳотул унс” китобида келтиради: “Ҳожа Буали Формадий дерки, Ғаззолийнинг баъзи ишларидан норози бўлиб юрар эдим. Бир куни уйку босди, йрим уйку, йрим уйғоқлик орасида туш кўрдим: катта бир майдон ўртасида оқ иморат бўлиб, одамлар турнақатор тизилиб шу иморат томон борардилар. Сўрадимки, бу не иморат ва сизлар кимсизлар? Жавоб бердиларки, бу бинода ҳазрати Расулуллоҳ (с.а.в) ислом дини ҳақида китоб ёзганларни қабул қилмоқда, биз китоб ёзган кишилармиз. Мен ҳам улар орқасидан турдим ва бино ичкарасига кирдим. Ҳар бир масҳаб эгаси тасниф этган китобини Пайғамбар (с.а.в.) га кўрсатарди. Имом Абу Ҳанифа Имом Шофеъи, ва бошқалар китобларини кўрсатдилар. Расулуллоҳ (с.а.в) уларни ўз ёнига ўтқазиб, сийладилар. Ҳамма тинчиганидан кейин мен овоз

чиқариб дедим: “ Ё, Расулуллоҳ, (с.а.в) менинг қўлимдан ҳам аҳли ислом ақидасини баён этувчи бир китоб бор, агар ижозат берсангиз ўқиб берай”, Расулуллоҳ (с.а.в) дедилар: “Қандай китоб?”. Дедим: “Қавоидул – ақойид” деган китоб, Имом Ғаззолий таклиф этган. Менга китобни ўқишга ижозат бердилар ўтириб ўқий бошладим... Расули акрам (с.а.в) сифатлари таърифига етганимда юзлари ёришди ва табассум қилиб, дедилар: “Қани Ғаззолий?” Имом Ғаззолий ўша ерда эди, жавоб берди: “Ғаззолий менман”. Расулуллоҳ (с.а.в) қўлларини узатди аззолий ул муборак қўлни ўпди ва кўзларига суртди ва Пайғамбар (с.а.в) ишораси билан тўрт масхаб соҳиби бўлган имомлар каторига бориб ўтирди”.

Имом Ғаззолий аъламул уламо, буюк диншунос аллома сифатида ислом оламида тан олинган эди. Бундай улуғ шайхнинг тасаввуфга ҳусни таважжуҳ этиши эса бежиз эмас эди. Чунки Ғаззолий бирданига сўфийлар тариқатини қабул қилганларидан эмас. У бошида фикҳ ва ҳадис олими сифатида машҳур бўлган, ўз замонасининг барча илмларида тенгсиз устоз сифатида танилган эди. Шарқнинг энг нуфузли мадрасаси Низомийда раисул уламо лавозимига тайинланиб, уч юз толиби илмга дарс ўқирди. Аммо ёши элликка етганда бирдан мадрасани, дўстлари ва шогирдларини ташлаб, узлатни ихтиёр этди ва бунинг сабабларини ўзининг “Ал-Мункиз миназ залол” (“Адашишлардан қутулиш китоби”)да баён этди.

“Мени тақлид тубанлигидан басират баландлигига қандай журъат етказганини сенга ҳикоят қилай”, деб бошлайди китобини Имом Ғаззолий. “Калом илмидан нима олдим, аҳли таълим (исмоилий масхаби) ва имомга тақлид қилувчиларким, ҳақиқатни англашдан қусурли ва ожиздирлар, қандай нафрат пайдо бўлганини аятай. Ва фалсафа тўқиш шевасини арзимас деб билганим ва тасаввуф тариқатини қандай афзал билганимни аятай”.

Унинг ёзишича, ёшлигидан қалбида ҳақиқатга ташналик ҳисси борлиги учун “Қўркмасдан ўзини чуқур дарёга” ташлаган, яъни ҳар бир илмни далиллик билан ўргана бошлаган. Ҳар бир тоифанинг ақидасини йхшилаб

тафаккурдан ўтказган ва қоникмай йна янгисини ўргана бошлаган. Имом Ғаззолийнинг уқтиришича, илм икки хил бўлади. Бири-тақлидий илм, яъни ўтмишдан мерос қолган, ота-она ва устозлардан олинган билимлар. Иккинчиси-кашф этилган илм. Тақлидий илм кўр-кўрона эргашиши билан бўлади, кашф этилган илм эса ҳар бир шахснинг қобилияти, шуурий изланиш орқали қўлга киритилади. “Менинг мақсадим амрлар ҳақиқатини кашф этиш эди”, дейди муаллиф. Зотан ҳаётда жуда кўп одамлар тақлидий билимлар билан қаноатланадилар. Чунки янгилик яратмай, тайёр ҳунарлар, илмларни ўрганиб, кўп қатори йшаш осон. Аммо тарққиёт учун, инсоният тафаккурини олға силжитиш учун илоҳий ва дунёвий ҳақиқатларни, моҳиятларни излаш, кашф этиш зарур. Бу айрим буюк шахсларнинг насибаси.

Шундай буюк шахслардан бири бўлган Имом Ғаззолий ҳақиқат толиби бўлиб, аввал калом илмини, сўнгра фалсафасини, кейин исмоилий таълимотини ва охири тасаввуфни ўрганишга киришган. У илми калом ҳақида, фалсафа ва исмоилий ҳақида бир неча китоблар ёзади. Олим шундай хулосага келадики илми калом ҳам, фалсафа ва исмоилий ҳам илоҳий ҳақиқатларни янгилатишга қодир эмас. Мана унинг хулосалари:

“Мутаккалимлар ўз ақидаларини чуқурлаштириш учун жавҳар ва араз (фалсафа тушунчалари) масалаларида баҳс бошладилар ва фалсафага қўл урдилар. Лекин улар илмининг мақсади бошқа бўлгани сабабли уларнинг сўзи нишонга етмади ва одамлар орасидаги шак – шубҳаларни бартараф қилаолмадилар”.

“Икки йил ичида файласуфлар илмини эгалладим. Йна бир йил тафаккурга берилдим. Уларнинг китобларини такроран ўқир эдим. Уларнинг хато ва адашишларини англадим, раддига йўл топдим ва билдимки (фалсафа) инсон қамоли учун етарли эмас”.

“Талимийлардан (исмоилий аҳли) бир кишини учратдим... уларнинг киитобларини топиб ўқидим сўзларини кўрдим... Уларнинг фасод – хатолари

далиллар билан исботладим. Хулоса шуки, уларда ҳам ишга йрайдиган ва фойда берадиган сўз тополмадим”.

Шундан кейин Ғаззолий тасаввуф ва тариқатга юзланади. У ёзади:

“Ҳақиқат юзасидан англадимки, бу жамоат, (яъни сўфийлар) аҳвол эгаларидирлар, сўз аҳли эмаслар. Бу илмни таҳсил билан имкон қадар ўргандим, аммо қолган нарсаларни дарс таҳсили ва суҳбат билан эгаллаб бўлмасди, балки бу завқ ва сулукни талаб қиларди. Менга шу нарса аён бўлдики... тариқатнинг асоси тарки нафс, тарки алоиқ экан, уқбога кўнгил боғлаш, бутун ҳиммат билан Худо сари юзланиш экан. Ўз ҳолимга қарадим ва кўрдимки, таалукларга фарқ, дунё ташвишига кўмилган эканман”.

Шундан кейин, Ғаззолий қалбида ўтли ғалаёнлар бошлангани, шариат илми ва фалсафадан, дарсу таълимлардан совиганлигини ёзади. “Худо оғзимга қулф урди ва дарс аятолмадим, дейди у, таом томоғимдан ўтмайди, қувватим сусайиб борарди”. Табиблар уни кўриб, руҳий муолажага муҳтож эканини аятадилар. Ғаззолий сафарга чиқиб ўн йил шаҳарма – шаҳар юради. Ва бу ҳил вақтларда менга шундай нарсалар намоён бўлдики, деб таъкидлайди улуғ олим аятиб адо қилолмайман. ...Аниқ билдимки, сўфийлар Худойи таоло йўлининг ошиқу соликлари экан ва уларнинг сияратларининг энг йхшиси ва уларнинг энг тўғри йўл ва ахлоқлари энг покиза ахлоқдир. Шу даражадаки, агар дин асрорининг барча оқилу донишмандларини бир-бирларига қўшсалар ва ҳулқу атворлари, сияратларини ўзгартирсалар ва йхшилансалар ҳам бу даргоҳга йўл топмаслар. Чунки сўфийларнинг жамики ҳаракат ва сўзлари зоҳиру ботинда Пайғамбар (с.а.в) нинг чароғдонидан нур олгандир. Барча мукошифа ва мушоҳида Пайғамбар (с.а.в) нуридан бошланади”.

Имом Ғаззолий йўли якка ҳодиса эмас, кўпгина донишманд ҳакимлар, дин олимлари учун муштарак йўл эди. Чунки тафаккур аҳлининг аксари охир-оқибатда тасаввуфга келиб тўхталганлар. Бойзид Бистомий, Юсуф

Ҳамадоний, Нажмиддин Кубро ва Баҳоуддин На4шбандлар бошида ҳадис илмининг уламолари эдилар, кейин илмда қоникмай тасаввуфга юзландилар.

Имом Ғаззолий ислом минтақа маънавиятининг ўзидан олдинги 5 асрлик тақомилини ўз асарларида теран хулосалаб, янги йўналишларни белгилаб бера олган буюк устоздир.

“Ал-Мункиз мин ад-далал” (Адашувлардан қутқарувчи) асарида шундай ёзади: “Менда шундай тасаввур шаклландики, ҳақиқатни изловчилар тоифаси тўрт гуруҳга бўлинадилар:

1. Мутакаллимлар (калом илми тарафдорлари);
2. Ботинийлар (исмоилийлар);
3. Ҳакимлар (хикмат аҳиллари, яъни файласуфлар);
4. Суфийлар (тасаввуф аҳли)”¹.

Умар Хайём ҳам ўзининг “Дархостнома” (“Сўралган нарса ҳақида китоб”) рисоласида ушбу йўналишларни ўзгаришсиз қайтаради, яъни ҳақиқатни изловчиларни мутакаллимлар, файласуфлар, исмоилийлар ва суфийларга тақсим этади.

Бундан ташқари Имом Ғаззолий барча кишиларни уларнинг билиш қобилиятлари ва ахлоқий амалларига кўра икки тоифага бўлади: “кенг омма”-(авом) ва “терилганлар” (ал-хосса). Биринчи тоифага мансуб кишилар деб диний анъанага кўр-кўрона ишонувчи оддий эътиқоддагиларни ҳисоблайдики, уларни бошини гаранг қилмаслик учун, улар олдида муқаддас матнларга рамзий-мажозий талқинлар бермаслик керак ҳамда мутакаллимларни киритадики, улар ўз фикрий мушоҳадаларида Арасту тушунчасидаги қоидалардан келиб чиқиб, ўз вазифаларини ислом ақидаларини бидъатлардан сақлашда деб биладилар. Баъзида улар томонидан мутакаллимлар оддий динга ишонувчи оммадан юқори турувчи алоҳида тоифага ажратилади. Иккинчи тоифага у кўпинча қобикқа ўралган шаклда файласуфларни мансуб деб биладики, улар ҳақиқатга аниқ ифодалар орқали

¹ М.Имомназаров, М.Эшмуҳаммедова. Миллий маънавитимиз асослари.Т. Тошкент ислом университети. 2001.146 бет.

баён қилиниши билан бирга далиллар орқали исбот қилинган нарсалар орқалигина эришиш мумкинлигини таъкидлайдилар. Бундан ташқари, “хос” тоифа каторига у суфийларни ҳам киритади. Чунки улар борлиқ ҳақидаги қарашга мантиқий далиллар асосида эмас, балки ички туйғу орқали етиб келадилар. Имом Ғаззолий тасаввуфнинг амалий фойдасини маънавий камолот сари йўналтирилган таълимот эканлигида деб билади. Аммо у суфийларни худо билан борлиқда бирлашиб кетиш ғояси (“Вахтади вужуд”)ни рад этиб, “бирлашиш” фақат илоҳий кучни олий даражада билиш, яъни ақлий ички туйғунинг рамзи эканлигини таъкидлайди.

Имом Ғаззолий файласуфлар фақат фалсафа билангина ҳақиқатни топиш, яқийн ва саодатга эришиш мумкин деган қарашларини ишониб фалсафани ихлос ила чуқур ўрганиб ўша даврнинг энг кучли файласуфларидан бирига айландилар. Лекин Имом Ғаззолий фалсафада ҳам ўзлари излаётган ҳақиқат мавжуд эмаслигига ишонч ҳосил қилдилар. Аммо бу нарса улуғ олимга фалсафа ва файласуфлар ҳақида адолат ила ҳукм чиқаришга ҳалакит бермади. У киши бу борада ўз илмий изланишлари натижасини фалсафа ва мантикка аталган ўз китобларида ёзиб қолдирдилар

Булар:

1. “Мақосидул фалосифа” (“Файласуфлар мақсадлари”);
2. “Тахофутул фалосифа” (“Файласуфлар ихтилофлари”);
3. “Махкун назар фил мантик”;
4. “Меъёрул илм фил мантик”;
5. “Ал-Мункиз миназ Золал” (“Залолатлардан қутқарувчи”).

Имом Ғаззолийгача фалсафа Исломга қарши ҳужум қилар ва мусулмон уламолар ҳимояланиш билан қифояланар эдилар. Худди Ислом айбдору илми қалом уламолари унинг номида фалсафага узр айтаётганга ўхшар эди. Имом Ғаззолий эса ўзлари фалсафани яхши билганлари учун, уларнинг нуқсонларини англаб етганлари учун бевосита унга шиддатли ва аёвсиз ҳужум қилишни йўлга қўйдилар. Бунинг учун аввал фалсафани қўпчиликка улар тушунадиган услуб ва тилда аңлатиш лозим эди. Чунки ўша давргача

фалсафа китоблари кўпчилик тушунмайдиган услуб ва тилда ёзилар эди. Уни фақат файласуфларгина англаб етарди. Бу эса ўзига ҳос тўсиқ яратган ва файласуфлардан бошқаларга фалсафа ҳақида сўз юритиш имконини йўққа чиқарган эди.

Имом Ғаззолий “Макосидул фалосифа” номли осон тил ва услуб ила китоб ёзиб кўпчиликка фалсафа нима ва файласуфларни нимани мақсад қилиб олганликларини тушунтириб бердилар. Бу китобда Имом Ғаззолий фалсафий истилохларни ва файласуфлар юритадиган бахсларни ҳеч қандай шарҳ ёки танқидсиз айтиб ўзини келтирдилар.

Имом Ғаззолий кўпчиликка фалсафа нима, файласуфлар қим ҳамда мақсадлари қандайлигини аниқлаб олганларидан кейин фалсафани танқид қилишга ўтдилар.

Мутафаккир фалсафага оид илмларни олтига бўлиб, мақсадларига кўра уларни таҳлил қилди.

1. Аниқ фанлар.

Ҳисоб, хандаса, жугрофия каби илмлар. Бу нарсаларда динга аралашилмайди. Улар аниқ ҳужжатларга асосланган илмлар. Шу боис уларни инкор қилиб бўлмайди. Аммо мусулмонлар бу нарсаларни кўриб фалсафага оид ҳамма нарса шу каби бўлади деб алданиб қолмасликлари керак.

2. Мантик.

Бунда ҳам динга тегишли нарса йўқ. Мантикда ақлий ўлчовларга назар солиш, бурхон муқаддималари шартларини ўрганиш, уларнинг таркибида хабардор бўлиш каби нарсалардир.

3. Табиий илмлар.

Бу илмларда ҳам динга боғлиқ нарсалар йўқ. Ушбу илм тажрибага суянади. Шунинг учун буларни ҳам инкор қилиб бўлмайди.

4. Сиёсий илмлар.

Файласуфларнинг бу соҳадаги барча гаплари дунёвий ишларга боғлиқ нарсалардан иборат бўлиб уларнинг кўпи Аллох таоло пайғамбарларга нозил

килган китоблардан ва набийлардан қолган гаплардан олганлар. Шунинг учун буларнинг ҳам дину диёнатга тегишли жойи йўқ

5. Ахлоқий илмлар.

Файласуфларнинг бу борадаги кўп гаплари сўфийларнинг гапларига тўғри келади. Улардан Ислом таълимотларига тўғри келадиганини олиб бошқаларини тарк қилиш лозим.

6. Илоҳиётга оид илмлар.

Бу борада файласуфлари ўзлари мантикда қўйган шартларга вафо қилмадилар, улардан ташқарига чиқдилар ва катта хатоларга йўл қўйдилар.

Имом Ғаззолий файласуфлар танқидини асосан “Тахофутул фалосифа” номли китобларида амалга оширдилар. Бу китобнинг муқаддимасида Имом Ғаззолий ўша пайтларда бошқалардан ўзларини юкори тутадиган тоифалар чиққанини, улар Исломий ибодатлардан бош тортаётганларини, динга шиор бўлган намозга ва исломнинг бошқа фарз амалларига паст назар билан қараётганларини, харом қилинган нарсалардан сақланмаётганларини, баъзилари эса бутунлай диндан чиқиб кетганларини ва бошқа афсусланарли ҳолатлар бўлаётганини таъкидлайди. Шунингдек, Имом Ғаззолий бу китобига тўртта муқаддима қилган. Биринчисида ўз услубини баён этган бўлса, иккинчисида файласуфларнинг ҳолини, учинчиси ва тўртинчисида эса уларнинг Ислом шариат билан тўқнашадиган ва тўқнашмайдиган илмларини баён қилган.

Кейин эса файласуфларни танқид қилишга ўтган. Бу танқидлар илоҳиётга ва метафизикага оид ўн олтита ҳамда табиат илмларига тегишли тўртта масалани ўз ичига олади. Мазкур йигирма масаладан учтасида файласуфлар қуфр кетганлиги ҳақида қарорга келинди.

“Ал-Мункиз мин ад-залол” асарида бу тўғрида шундай ёзади: “Улар томонидан йўл қўйилган барча хатолар йигирмага борадики, улардан учтаси расмий ақидага қарама-қарши бўлса, ўн еттитаси худосизликдан иборат деб ҳисобламоқ керак”².

² Имом Ғаззолий “Ал-Мункиз мин Ад-залол”

Расмий ақидага қарама-қарши бўлган уч хатоларга қуйидагиларни киритади:

1. Дунёнинг азалийлиги ва фоний эмаслиги ҳақидаги ақида.

Файласуфлар ўзларининг турли аклий далилларида келиб чиқиб олам қадимдир, у кейин пайдо бўлган эмас, уни биров яратган ҳам эмас деган фикрни айтганлар.

Имом Ғаззолий уларга қарши олам қадимий илохий ирода ила мавжуд бўлгани ҳамда Ўша ирода оламни маълум вақтда вужудга келишини ирода қилганини таъкиблайди. Оламнинг мавжуд бўлиши бу вақтгача ирода қилинмаган. Шунинг учун у пайдо бўлмаган. Янги пайдо бўлган ҳар бир нарса эса силсила ила охириги ва қадимги сабабга бориб такалади. Ўша сабаб Аллоҳ таоло эканлигини таъкидлади.

2. Аллоҳу таоло умумий билимга эга бўлиб, ҳар бир нарса тўғрисида билимга эга эмас (файласуфларнинг Аллоҳ таоло жузъий нарсаларни билмайди деган гаплари).

Файласуфларнинг фикрича Аллоҳ таоло фақат собит куллиётларнигина билади. Шу нарса унинг қамолига мос келади. Жузъий – майда нарсалар ўзгариб тургани учун уларга боғлиқ илм ҳам ўзгариб туради. Илмнинг ўзгариб туриши эса Аллоҳ таолонинг қамолига тўғри келмайди. Аллоҳ таоло инсониятнинг амалларини тўп шаклида умумий ҳолда билади, ҳолос. Одамлардан алоҳида шахсларнинг қилган амалини билмайди. Имом Ғаззолий Аллоҳ таоло ўша жузъий амалларнинг барчасини ўзгармас битта илм ила билишини таъкидлайдилар.

3. Тана қайта тирилмайди, муқофот ва жазо бериш руҳий бўлиб, жисмий хусусиятга эга эмасдир. (Файласуфларнинг охиратда жасадларнинг қайта тирилишини инкор қилишлари).

Уларнинг фикрича охиратда фақат руҳлар қайта тирилтириладилар, ҳолос. Бинобарин жаннатда жисмнинг лаззатланиши ва дўзахда азобланиши ҳам бўлмайди.

Имом Ғаззолий эса жисмларни йўқдан бор қилишга қудрати етган Аллоҳ таоло уларнинг чириганидан кейин қайта тирилтириши осонроқ эканини таъкидлайдилар.

Арасту таълимотини у ҳақиқий ислом ақидалари учун хавфли, деб ҳисоблайди, чунки унинг тарафдорлари “дунё ҳамма вақт ўз-ўзича мавжуд бўлган ва яратувчи бўлмаган, ҳайвонлар доимо уруғдан келиб чиққан, уруғ эса, ҳайвондан пайдо бўлган, асрлар давомида шундай эди ва шундай бўлиб қолади, дейдилар. Булар худосизлардир”. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб Имом Ғаззолий файласуфларни учга таксим қилади:

1. Дахрийлар.

Улар Аллоҳ таолонинг борлигини ва сонълигини инкор қилган ва олам ўзини ўзи яратган дейдиган зиндиклардир.

2. Табиатчилар.

Улар Аллоҳ таолонинг борлигини эътироф қилсалар ҳам қайта тирилиш ва совобни инкор қилганлари учун диндан чиққанлар.

3. Илоҳиётчилар.

Булар илоҳиёт ҳақида баҳс юритган Сукрот, Афлотун, Арасту ва уларнинг Шарқдаги издошлари бўлмиш Форобий ва Ибн Синога ўхшаш файласуфлар.

“Тахофутул фалосифа” китобининг аҳамияти баъзи файласуфларни куфр кетганини баён қилишида эмас, балки фалсафанинг диний эътикод бобида ҳеч нарсага арзимас нарса эканини баён қилиб берганидир.

Имом Ғаззолий яшаган ўрта асрларда ғайбиёт олами ҳақида фалсафий тортишувлар авж олганди. Бу тортишувларда ҳамма, жумладан, мусулмонлар ҳам иштирок этардилар. Аммо айни мусулмонлар ичидан мазкур тортишувлардан одамларга ҳеч қандай наф йўқлигини англаб етганлар ҳам чиқди. Ўшалардан энг улуғи хужжатул Ислом Абу Хомид Ғаззолий раҳматуллоҳи алайҳ эдилар. Ўзларининг ҳақиқатни излаш йўлида олиб борган изланишлари давомида ҳақиқат фалсафада бўлса, ажаб эмас, деган фикрга ҳам борган эдилар. Аммо фалсафа у киши ахтараётган ҳақиқатни бера

олмаслигини тушундилар. Шу билан бирга фалсафанинг заиф жойларини чуқур англаб етдилар.

Имом Ғаззолий фалсафанинг энг катта хатоларидан бири ғайб олами – метафизика ҳақидаги тортишувлар эканини очик - ойдин айтдилар. Бу фикрнинг тўғрилигини исботлаш учун файласуфларнинг метафизикага оид тортишувларидан бир нечасини олдилар.

Мисол учун оламнинг азалийлиги ёки кейин пайдо бўлганлиги ҳақидаги масала. Унинг хатосини Имом Ғаззолий “Такофуъул адиллати ала кидамил олами ва худусихи” - Оламнинг қадимлиги ёки кейин пайдо бўлганлиги ҳақидаги далилларнинг тенглиги номли бахсларида ёрқин ақлий таҳлил ва инкор қилиб бўлмайдиган далилу ҳужжатлар ила исботлаб бердилар.

Қадимдан файласуфлар бу масалада иккига бўлиниб олиб тортишиб келганлар. Баъзилари олам азалий - қадимий деса, бошқалари олам ҳодис – кейин пайдо бўлган, деган. Икки тараф ҳам ўзининг гапи тўғрилигига ақлий далил олиб келади. Иккисининг далили ҳам ўзига тўғри кўринади. Иккиси ҳам қарши тарафга бир хил муваффақият билан раддия келади. Қадимдан шундай бўлиб келмоқда эди. Бунга Имом Ғаззолий Юнон файласуфларидан олдигиларнинг, юнонларнинг ва улардан кейин келган фаласуфларнинг далиллари бирма бир келтириб баён қилидлар. Бу тортишув бундан кейин қиёматгача ҳам давом этаверади, дейдилар Имом Ғаззолий. Аммо ундан одамларга заррача фойда бўлмайди. Имом Ғаззолийнинг фикрларича, файласуфларнинг мазкур тортишувлари охирига етиши мумкин ҳам эмас. Чунки улар ўзларидан мутлақ ғайбдаги нарса ҳақида тортишмоқдалар. Ўзлари ичида турган оламнинг асли ҳақида тортишувни уларга қим қўйибди. Бирор нарса ҳақида баҳо бериш учун унинг ташқарисида бўлиш керак. Оламнинг ичида турган одам унинг азалий ёки янги пайдо бўлганини қайдан билсин?!

Унинг ўрнига инсон қўл остида турган нарсаларни ўрганишга ҳаракат қилиши керак, дейдилар Имом Ғаззолий. Мисол учун нима учун темирни

оловга тутса куймайди-ю, пахтани тутса куяди? Мана шу масалани ўйлаб кўриш керак. Пахта ўзида куйишга қобилияти борлиги учун куймоқдами ёки оловдаги куйдириш қобилияти ила куймоқдами? Имом Ғаззолий раҳматуллоҳи алайҳнинг бу фикрлари мусулмонларда таҷрибий илмларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Имом Ғаззолий таҷрибий илмларнинг келиб чиқишига туртки бўлган фикр соҳиби сифатида дунё илмий тарихида муносиб жой олган улкан ақл соҳиби бўлган мусулмон шахс сифатида машҳур бўлдилар. Ўрта асрларда мазкур назарияга амал қилароқ Ислом оламида табиий илмлар кенг ривож топди. Улардан аста – секин европоликларга ўтди ва улар бу илмларни яна ҳам ривожлантириб катта муваффақиятларга эришдилар. Имом Ғаззолий ва бошқа мусулмонлар инсонга ўзидаги ақл ва заковатни ўзининг имкони даражасида, ўзига фойда берадиган тарзда ишлатишни таклиф қиладилар. Инсоннинг ақл доирасидан ташқарида, минг тортишса ҳам фойда бермайдиган ғайбий олам – метафизикага оид маълумотларни эса тайёр ишончли манбадан, яъни, Аллоҳ таолонинг Ўзи динлар орқали берган хабарлардан олишни таклиф қиладилар. Диний ақийдаларга оид маълумотлар айнан ғайбиёт олами – метафизикага оиддир.

Хозиргача кўпчилик мусулмонлар, жумладан, Имом Ғаззолий фалсафани бутунлай қуфрга чиқарган деган ҳаёлда юрадилар. Аммо аввал ўрганиб ўтганимиздек аслида ундок эмас. Имом Ғаззолий фалсафани олтидан бирини, илоҳиётга тегишли ерини, яна ҳам аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, илоҳиётга тегишли йигирмата масаладан учтасини қуфр эканини баён қилганлар, ҳолос. Аммо у кишининг ўзлари қучли файласуф бўлганлари аниқ. Балки қучли файласуф бўлибгина қолмай фалсафада тубдан бурулиш ясаган ва уни тўғри йўналишга йўллаган аллома сифатида танилганлар.

Фалсафани илоҳий таълимотлар ўрнида ёки уларга тенг равишда кўрилиб турган бир пайтда унинг ҳақида илмий асосларга мувофиқ тарзда бу қаби қучли зарба берилиши тарихий воқеа эди. Имом Ғаззолий шу тариқа фалсафанинг обрўсини қилпарчин қилдилар. Файласуфлар у кишининг қучли

ақли ва далиллари олдида доводирав қолишди ва деярли бирорта эътиборга олса бўладиган раддия ҳам қила олишмади.

Истиқлол даврида ижтимоий онгнинг тафаккур қуллиги ва фикр қарамлигидан қутулиши фалсафанинг бошқа кўплаб масалалари каби, Ислом фалсафаси тарихини татқиқ этиш, Ислом фалсафасида билиш масалалари, у билан боғлиқ хилма-хил тушунча ва тамойилларни илмий, холисона изоҳлаш имконини очди. Ислом фалсафасининг турли муаммоларини чуқур ўрганиш, бу борада жаҳон фани эришган ютуқлардан ижодий фойдаланиш, ушбу соҳадаги масалаларни илмий тадқиқ этиш асосида олинган натижаларни мустақил Ватанимиз равнақи йўлида фойдаланиш зиммамиздаги долзарб вазифага айланди.³

Хулоса

Ислом фалсафаси илк исломий билимлар - Қуръони карим, ҳадис, фикҳ каби илмлардан кейинги даврларда шаклланган бўлсада, ҳамиша илм аҳлларининг диққат марказида бўлиб келган. Ислом фалсафаси диннинг ҳақиқий мазмун – моҳиятини, ундаги ҳар бир масалаларни ақлий далиллар ёрдамида, мантиққа асосланган ҳолда очиқ беришга ҳаракат қилган.

Бундай асарларни ўқиб–ўрганиб таҳлил қилиш, уларни такомиллаштириш даврнинг заруриятидир. Ислом фалсафасига оид манбалар ҳали изчил ўрганилмаган ва бу манбаларни ўрганиш ҳозирги пайтда ёшларнинг турли диний оқимларга мутаассибларча берилиб кетишининг олдини олишда дастур бўла олади. Чунки бу асарларда эътикод, ибодат масалалари аниқ ёритиб берилган ҳамда ўзининг ҳаётийлиги билан алоҳида аҳамиятга моликдир.

Бунинг учун эса Шарқ ва Ислом фалсафасини ўрганиш керак. Ғарб исломдан кўп нарсани ўрганди.

Ислом фалсафасидаги фалсафий масалаларни илмий-фалсафий асосда чуқур ўрганиш ҳозирги давр учун ҳам амалий аҳамиятга эга эканлиги ушбу

³ Қ Назаров. Билиш фалсафаси. Т., Университет. 2005. 26 бет

мавзуни нақадар муҳимлигини кўрсатади. Бу ўринда давлатимиз раҳбари Ислон Каримовнинг “ислом динининг маданиятлари ва анъаналари, жаҳон миқёсида ислом дини қолдирган жуда улкан маънавий мерос нафақат минтақамизнинг тарихий ривожланишига кўп жиҳатдан қўшилган ҳиссасини, балки унинг ҳозир шаклланиб бораётган сифат жиҳатдан янги қиёфасини ҳам белгилаб бермоқда”, деган фикрларини келтириш ўринлидир.⁴

Ислон файласуфлари ҳам дунёни билиш мумкинлиги, билиш манбаи ва йўллариини ёритишда тўхтаб қолишлари мумкин эмас эди. Пухта ишлаб чиқилган, ўз даври учун илмий далилланган фалсафий назарийлар ва мантикий таълимотлар – ислом фалсафаси учун хос хусусиятдир. Ўрта аср ислом фалсафаси ўртага қўйган фалсафий муаммоларга мурожаат қилишимиз натижасида ўрта аср ислом фалсафасидаги фалсафий назарийси ривожланишини белгилайдиган ўзига хос хусусият унда рационализм ва иррационализм йўналишининг пайдо бўлиши ва улар билан кураши ҳисобланади деган хулосага келдик.

⁴ И.А.Каримов. “Ўзбекистон ХХІ аср бусаҒасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари.”// И.А.Каримов. “Ўзбекистон буюк келажак сари” Т.Ўзбекистон, 1998. 446 бет

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И. “Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” –Тошкент, 1қ7.
2. Каримов И. “Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура” Т.: Ўзбекистон, 1қ8.
3. Фалсафа. “Қомусий луғат” Т. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти. Шарқ нашриёти. 2004.
4. “Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар” 1-китоб. Т. Файласуфлар миллий жамияти нашриёти, 2004.
5. Имом Ғаззолий “Кимёи саодат” Т. 1994 й
6. Абу Ҳомид ибн Муҳаммад Имом Ғаззалийнинг “Таҳофут ал-фалосуфа” Т. 1994 й
7. Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. Биринчи китоб. Т., Ёзувчи, 1қ6.
8. Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. Иккинчи китоб. Т., Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт санъат ҳамда 2Ўзбекистон” нашриётлари.